

001802

Тариф киймати:
Сув 1 м³ 400 (+НДС15%+100 сўм) сўм
Окава 1 м³ 350 (+НДС15%+100 сўм) сўм

231528

-сонли шартнома

II Гурух истеъмолчиларга ичимлик ва окава суви хизматларини кўрсатиш учун

Тошкент ш.

« 10 » 01 2022 й.

Ушбу шартнома "Тошкент шаҳар сув таъминоти" МЧЖ, кейинги ўринларда "Таъминотчи" деб юритилади. Низом асосида фаолият юритувчи Суб таъминот таъминотчи таъминоти Шакарлов ШМ (Ф.И.Ш.) шахсида, бир томондан ва кейинги ўринларда "Истеъмолчи" деб юритилувчи Уш. Рег. Транспорты Вазирлиги асосида иш олиб борувчи директор Б. Қўлиқўраб (Ф.И.Ш., лавозими) иккинчи томондан, қуйидаги илар ҳақида тузилади:

I. Шартнома предмети

1.1. 2022 йил учун сув етказиш ҳажми учун тузилган шартномага мувофиқ бюджет ташкилотлари ва II гурух истеъмолчилари учун сув етказиш 1062,50 нарх бўйича 934,35 м³ ни:
1 м³ сув учун 400 сўм (+КҚС 15%), + 100 сўм (махсус устама ҳақ) ни ташкил қилмоқда
1 м³ окава суюқлик учун 350 сўм (+КҚС 15%) + 100 сўм (махсус устама ҳақ)
Шу тарика шартноманинг умумий киймати 1013496,87 сўмни ташкил қилди. (сумма ёзув билан)
Шу жумладан, бюджет маблағларидан _____ сўм, бюджетдан ташқари маблағларидан _____ сўм бюджетдан ташқари маблағлардан тўлашши кўзда тутилган.

Бюджет ташкилотлари II гурух истеъмолчилари Қондаларда белгиланган тарзда "Таъминотчи" томонидан тақдим қилинган ҳисобварақ-фактураларга асосан, Молия вазирлиги Газначилиги орқали сув таъминоти ва окава сувини чиқариш учун ўтказилган маблағлар орқали амалга оширилади.

1.2. «Таъминотчи» «Истеъмолчи»ни О'зДSt 950: 2011 «Ичимлик суви, ги иеник талаблар ва сифат назорати» амалдаги стандартига мувофиқ равишда барқарор таъминлайди. Ушбу стандарт назорат Давлат санитария-эпидемиология назорати томонидан амалга оширилиб, сув қувурлари тариф кийматида (КҚС ни ҳисобга олган ҳолда) хўжалик-маиший ва ишлаб чиқариш-технологик эҳтиёжларга йўналтирилади.

1.3. «Истеъмолчи» ўрнатилган муддатлар ичида "Таъминотчи"га кўрсатилган сув таъминоти ва сув чиқариш хизматлари учун тўловларни ўз вақтида амалга ошириш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

1.4. Тарафлар ушбу шартноманинг сув таъминоти ва окава сувини чиқариш бўйича шартларини бажариш, Ўзбекистон Республикасининг қонунчилиги талабларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 15 июлдаги 194-сонли қарори билан тасдиқланган "Истеъмолчиларга сув таъминоти ва окава суви чиқариш хизматлари кўрсатиш Қондалари"га (кейинчалик маънада – Қондалар деб юритилади), ва Тошкент шаҳар ҳокимининг 2020 йил 1 апрелдаги № 317-сонли қарорига, унга мувофиқ тарифга, 1 м³ сув учун ва канализация хизматларига ҳам

1 м³ 100 сўм махсус устама ҳақ жорий этилган ҳамда "Таъминотчи" томонидан тақдим қилинган коммунал сув етказиб бериш ва окава сув чиқариш тизимига уланиш учун руҳсат эгувчи хужжатлари ариоя қилиш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

1.5. «Истеъмолчи» ушбу шартномага, унинг тасарруфидоги барча объектларининг (филиал ва суб-истеъмолчиларининг) дислокациясини, уларнинг сувда эҳтиёжи ва шаҳар сув тизимига уланишдаги эҳтиёжини, етказиб беришнинг миқдори ва диаметрларини кўрсатган ҳолда, қатъий нусхасини тақдим қилади. "Таъминотчи"ни ўз вақтида сув ўтказиш-окава хўжалигидаги, банк маълумотлари ва юридик манзилидаги ўзгаришлар ҳақида хабардор қилади.

II. Умумий қоидалар

2.1. Ичимлик суви билан экинларни сугориш, ҳовлилар, йўлакчаларига ўрнатилган вақтдан ташқари сув сепиш, ҳамла, ичимлик сувидан автомобилларни ювиш учун фойдаланиш қатъий ман этилади.

2.2. Коммунал сув таъминоти тизимларидаги ичимлик суви истеъмолчи (суб-истеъмолчи)ларнинг хўжалик-истеъмол ва коммунал-маиший эҳтиёжлари, ёнғинларни ўчириш, шунингдек, ичимлик суви талаб этилаётган технологик ва ишлаб чиқариш жараёнлари учун мўлжалланган.

"Таъминотчи"нинг техник имкониятлари мавжуд бўлган ҳолатларда, ихтирослашган истеъмолчиларга ичимлик суви марказий коммунал сув таъминоти тизимларидан етказиб берилди.

2.3. Асосий истеъмолчининг тармоқларидан сув олиб, окава сувиарини "Истеъмолчининг" канализацион тармоқларига ўтувчи суб-истеъмолчилар сув таъминоти ва окава сувини чиқариш шартномасини "Истеъмолчи" билан тасдиқланган "Қондаларга" мувофиқ тузди.

2.4. Сувни ҳисобга олиш асбоблари Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги томонидан текширилган ва таъминланган бўлиши ва сув ўлчаш тармоғи сув-коммунал хўжалиги ташкилоти томонидан таъминланган лозим. Шунингдек ичимлик сувини ҳисобга олиш ускунасининг ечиш, қиёсландан ўтказиш ва ўрнатиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 20 августдаги № -698 сонли қарорига мувофиқ юритилади.

2.5. "Истеъмолчи"га ўрнатилиши лозим бўлган сув ўлчаш қурилмасининг шартли ўтказишнинг диаметри (калибри) ҳисоб-китоб асосида аниқланади, объектнинг максимал сув истеъмоли ва минимал сув истеъмолига текширилади ва "Истеъмолчи" билан келишдилади. Ҳисоблаш қурилмаси учун ўрнатилган минимал истеъмол миқдоридан кам миқдорда сув истеъмол қилинганда, «Таъминотчи» сув ўлчаш тармоғини қайтадан қурилма билан таъминлаш учун кўрсатма беради, ушбу кўрсатма бажарилмагавда, ҳисоблаш қурилмасининг кўрсаткичлари қабул қилинмайди ва ҳисоблаш Қондаларда ўрнатилган тартибда амалга оширилади.

2.6. Сув ўтказиш-канализация хўжалигининг реконструкцияси, ҳисоблаш қурилмаларини янги тушириш, ҳисоблаш қурилмаларини алмаштириш, янги суб-истеъмолчиларининг уланиши Истеъмолчи томонидан фақат "Таъминотчи" тарафидан тасдиқланган техник шартлар ва лойиҳа асосида амалга оширишши мумкин бўлиб, улар "Истеъмолчининг" суровномаси асосида, барча тасдиқловчи хужжатларни илова қилган ҳолда берилди. "Таъминотчи"дан олинган техник шартлар асосида, "Истеъмолчи" буюртмасига асосан, амалдаги мезёр, қондалар ва бошқа мезёрлий хужжатлар асосида лойиҳалаштириш ташкилоти томонидан уланиш лойиҳаси ишлаб чиқилади.

2.7. Қурилган уламаларининг ишга туширилиши "Таъминотчи" томонидан, "Истеъмолчи" ва қурилш ташкилот вакилларининг иштирокида амалга оширилади.

2.8. Агар сув таъминоти ва сув чиқариш хизматлари учун нархларда ўзгариш вужудга келса, тўлов янги тарифлар асосида амалга оширилади.

2.9. Коммунал сув таъминоти ва сув чиқариш қисмларининг техник ҳолати учун эксплуатацион масъулият чегараси (сув ва окава тизимлари, қурилмалар ва уларнинг мосламалари) сув-коммунал хўжаликлари ва истеъмолчилар орасида, хусусан уй-жой мулкдорлари ширкатлари орасида қуйидагилардан иборат:

- а) сув истеъмоли учун узатиш тармоғининг киритиш қурилмаси бўлиб, у коммунал тармоқдан ўчирилади. Сув қувурини, шу жумладан узатиш қурилмасини ишга тушириш истеъмолчининг ички сув узатиш тизимининг бир қисmidир;
- б) окава тизими учун магистрал окава тизимига уланиш нуктасидаги сув чиқариш қудуғи бўлиб, у "Истеъмолчи"нинг ички окава тизимининг бир қисmidир. Агар чиқариш окава қудуғи магистрал окава тармоғида жойлашган бўлса, кўрсатилган қудуқ сув-коммунал хўжалигининг бир қисми бўлади, узатиш тармоғининг эксплуатацияси "Истеъмолчи"нинг қучи ва маблағи ҳисобида амалга оширилади.

III. Тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

3.1. Истеъмолчининг ҳуқуқлари:

- а) "Таъминотчи"дан, у билан тузилган шартнома асосида, ичимлик сув ва оқова сувни чиқариш хизматларининг узлуксиз амалга оширилишини, ўз ҳаёти ва соғлиғига, мулкига ҳафв туғдирмайдиган даражадаги сифат ва миқдорда ичимлик сув берилишини талаб қилиш;
- б) "Истеъмолчи" ҳисобидан ҳисоблаш қурилмасини ўрнаттиш.
- в) тегишли сифат даражасидаги ичимлик сув ва оқова сув тармоқларига хизмат кўрсатиш талабларини бажармаганлиги учун "Таъминотчи"дан қонунчиликда ва шартнома шартларида кўрсатилган миқдорда жарима (пеня)лар тўлашни талаб қилиш;
- г) "Таъминотчи"ни шартномани бекор қилиш тўғрисида, унинг бекор қилинишидан камияда 15 кун олдин огоҳлантирган ҳолда ва ушбу муддатда сув таъминоти ёки оқова сувни чиқариш бўйича кўрсатилган хизматлар учун тўловларни тўлиқ амалга оширган ҳолда шартномани бир томонлама бекор қилиш;
- д) ичимлик сув таъминоти ва оқова сувни чиқариш хизматлари учун амалга оширилган тўловларнинг ҳолати, қарзларнинг йўқлиги ҳақидаги маълумотлар ва маълумотномани (шахсан ёки ўз вакили орқали) бепул олиш;
- е) "Таъминотчи"дан ичимлик сув таъминоти ва оқова сувни чиқариш хизматлари ҳажми ва сифати, уларни амалга ошириш шартлари, тўловлар тарифи ва тартибларининг ўзгариши ҳақидаги маълумотларни бепул олиш;
- ё) ичимлик сув таъминоти ва оқова сувни чиқариш бўйича хизматлар кўрсатилмаётганлиги ёки уларнинг васт сифатда эканлиги тўғрисидаги далолатнома тақдим этилгандан кейин 18 соат мобайнида таъминотчилан носозлик ва камчиликларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисидаги маълумотларни олиш;
- ж) Давлат санитария эпидемиология маркази органлари томонидан тасдиқланган амалдаги стандартларга жавоб берадиган сифатли ичимлик суви билан таъминланмаганлик (сифатсиз ичимлик сув мавжудлиги аниқланган даврдан у тегишли даражага олиб келинган вақт) учун қайта ҳисоб-китоб амалга оширилишини талаб қилиш.

3.2. Истеъмолчининг мажбуриятлари:

- а) шартнома шартларини бажариш;
- б) ўзининг ҳудудида жойлашган ва уларга тегишли бўлган коммунал сув ва оқова тармоқлари ва қурилмаларининг мувофиқ равишда қўриқланишини, уларга сув тошиши ёки шикастланишига, музлаб қолишига йўл қўймаслик, қудуқ қонқокларини қор ва муздан тозалаш, "Таъминотчи" томонидан ўрнатилган тамгаларнинг бутлигини назорат қилиш, қудуқлардан юза оқаваси мавжудлигини таъминлаш, ёнғинга қарши гидрантларга ўтиш йўлларини бекитмаслик, кўрсатилган ёнғинга қарши гидрантларнинг кўрсаткичлари яхши ишлашини назорат қилиш;
- в) "Истеъмолчи" ҳудудида ёки унинг тасарруфидаги сув қузури, оқова тармоқлари ва қурилмаларнинг устига турли буюм ва материалларнинг йиғилишига ҳамда сув қузури, оқова тармоқлари ва қурилмаларининг устидан ишпооллар қурилмаслигини, шу жумладан, ташки (қўча ва квартал ичидаги) сув қузури, оқова тармоқлари ва қурилмаларининг устидан ишпооллар қурилмаслиги йўл қўймаслик.
- г) коммунал сув қузури, оқова тармоқлари ва қурилмаларининг транзит нуқталарида ҳар қандай шикастланиш, бузилишлар ҳақида зудлик билан "Таъминотчи"ни хабардор қилиш;
- д) сувни ҳисобга олиш приборларида яққол кўришиб турган носозликлар, шунингдек тамгани бузилишига шикаст етган ёки узиб ташланганлиги тўғрисидаги ҳолат аниқланганда ҳамда ҳисобга олинмаган ёнғинга қарши гидрантлар мавжудлиги ҳақида дарҳол ёзма равишда ёки алоқа тармоқлари (факс, электрон почта) орқали "Таъминотчи"га хабар бериш;
- е) "Таъминотчи" билан тузилган шартномага мувофиқ мажбуриятларига риоя қилиш, ҳар ойнинг 23 дан 25 гача санасида кўрсаткичларни ўз вақтида ва аниқ ечиб олиш ва ушбу кўрсаткичларни "Таъминотчи"га жорий ойнинг охириги кундан кечикмаган ҳолда маълумотларни тақдим қилиш ва тўловни амалга ошириш;
- ё) шартномада белгиланган миқдордан ортиқ ҳажмда сувнинг ортиқ сарф қилинишига ва оқова сувларининг меъёрдан ортиқ чиқарилишига йўл қўймаслик;
- ж) "Таъминотчи"ни ўз вақтида сув ўтказиш-оқова ҳўжалигидаги, банк маълумотлари ва юридик манзилидаги ўзгаришлар ҳақида хабардор қилиш;
- и) "Таъминотчи"га тегишли бўлган ёки унинг ҳудудида жойлашган сув ва оқова тармоқлари, қурима ва мосламаларнинг мувофиқ техник эксплуатациясини таъминлаш;
- й) ишлаб чиқариш оқова сувларининг олдиндан тозалаш ишларини олиб бориш ва уларнинг ифлосланиш коэффициенти меъёрдаги кўрсаткичларга ўтиб кетмаслигини таъминлаш;
- к) оқова тармоқига гуширилувчи сувларнинг сифатининг мониторингини таъминлаш;
- л) "Истеъмолчи" ҳудудида жойлашган сув ўлчаш тармоғи, коммунал сув ўтказиш ва оқова тизимларида ҳар қандай ишларнинг бажарилишига бегона шахсларни қўймаслик;
- м) жамоат сув ва канализация тизимларини объектига шикаст зарар етказган "Истеъмолчи" дарҳол "Таъминотчи"га хабар бериши ва етказилган зарарни қоплаш учун "Таъминотчи" техник назорати остида ўзи етказилган шикастланишни бартараф этиш ва беҳуда сарф қилинган сув нархини тўлаши шарт.

3.3. Таъминотчининг ҳуқуқлари:

- а) "Таъминотчи" куйидаги ҳолларда, истеъмолчини 7 кун аввал хабардор қилган ҳолда, сув узатишни ва сув чиқаришни тўлиқ ёки қисман тўхлатиш ҳуқуқига эга:
- б) "Истеъмолчи" ҳудудида жойлашган ва унинг тасарруфидаги сув узатиш ва оқова тармоқлари, мослама ва қурилмаларининг техник ҳолати қониқарсиз ҳолатда бўлса ва "Истеъмолчи" техник фойдаланиш қондаларини бузиш наияжаларини "Таъминотчи" вакиллари талабига қўра бартараф этмаса;
- в) "Таъминотчи"нинг вакили истеъмолчи ҳудудида жойлашган ва унинг тасарруфидаги бўлган сув узатиш ва оқова тармоқлари, мослама ва қурилмаларида ишлар олиб бориш, тамга ўрнатилиши ва бошқа ишларда "Истеъмолчи" томонидан асоссиз халақат берилган тақдирда;
- г) "Таъминотчи"томонидан режалани олдиндан олиш таъминлаш ишларини, сув ўтказиш ва оқова тармоқларида ишлар бажарилишида, "Истеъмолчи" уларга уланган бўлса, ва янги "Истеъмолчи"ларни улаш учун ишларни ўтказишда;
- д) "Истеъмолчи"нинг хизмат кўрсатилишида ва унинг тасарруфидаги коммунал сув таъминоти ва сув чиқариш хизматларига ўзбошимча суб-истеъмолчиларнинг уланиб олганлиги аниқланганда;
- е) "Истеъмолчи" ўрнатилган муддатларда тўлов ҳужжатларига мувофиқ тўловни амалга оширмаганда;
- ё) "Таъминотчи"нинг розилигини олган суб-таъминотчиларнинг "Истеъмолчи" тасарруфида бўлган коммунал сув таъминоти ва сув чиқариш хизматларига уланишига рад жавобини берганда;
- ж) "Истеъмолчи"лар томонидан коммунал сув таъминоти ва сув чиқариш хизматларини кўрсатиш шартларига риоя қилинмаганда;
- з) энергия таъминоти тўхлатилганда;
- и) табиий офатларда;
- й) аварияларда;
- к) ёнғин чиққан ерларга сув етказиш ҳажминини ошириш зарурияти туғилганда.

3.4. "Таъминотчи"нинг мажбуриятлари:

- а) сув таъминоти ва сув чиқариш бўйича шартнома шартларини бажариш;
- б) сув етказилишини узлуксиз таъминлаш;
- в) тизимли равишда давлат сув таъминоти ва канализация тармоқлари, истеъмол объекти ва қурилмаларига уланган сув таъминоти ва канализация тармоқларининг ҳолатини ва ишнинг тизимли назорат қилинишни амалга ошириш ва уларни тўғри ишлашни ташкил этишда амалвий ёрдам кўрсатиш; бюджет билан биргаликда "Истеъмолчи"лар сувидан оқилона фойдаланиш ва сувдан оқилона фойдаланишни аниқлаш, сувни етказиб бериш ва истеъмол қилишни қатъий назорат қилиш ва ҳисобга олиш, санаоатга мувофиқлигини мунтазам равишда назорат қилиш ва уларга тенглаштирилган сув истеъмол қилиш чекловларига риоя қилиниши назорат қилиш;
- г) "Истеъмолчи"ларга индивидуал ҳисоблаш қурилмаларини ўз ҳисобидан ўрнатилгандан сўнг, ўрнатилган тартиб ва муддатларда уларнинг ишини текшириш;

д) "Истеъмолчи"лар сув қувур хўжалигининг текширишни (индивидуал ҳисоблаш қурилмасининг яхши ишлаётганлигини текширган, улардаги назорат кўрсаткичларини олган ва тамгаларнинг мавжудлиги ва бутлигини аниқлаган ҳолда) бир ойда қўли билан бир марта ўтказиш ва мувофиқ далолатномаларни тузиш;

е) "Истеъмолчи"га, ушбу шартноманинг шартларини бажармаган ҳолларида, жарима яъни пеня тўловларини амалга ошириш;

ё) сув таъминоти ва истеъмолига оид меъёрий-ҳуқуқий ва бошқа ҳужжатларнинг қабул қилинганлиги ҳақида "Истеъмолчи"ларни хабардор қилиш;

ж) сув етказиш ва сув чиқариш учун хизмат ҳақи тўловларининг тарифлари ошганда, улар кучга кирган кундан 15 кун аввал оммавий ахборот воситалари орқали маълумот бериш;

з) ичимлик сув таъминоти ва оқова сувни чиқариш хизматлари учун амалга оширилган тўловларнинг ҳолати, қарзларнинг йўқлиги ҳақидаги маълумотлар ва маълумотномани "Истеъмолчи"га бепул бериш;

VI. Тарафларнинг жавобгарлиги

4.1. "Таъминоччи" ушбу шартномага мувофиқ мажбуриятларни бажармасликда ёки лозим даражада бажарилмаган ҳолларда келиб чиққан зарарни, "Истеъмолчи" эса етказилган ҳақиқий зарарнинг ўрнини қоплаши шарт.

4.2. Истеъмолчи қуйидагилар учун жавобгардир:

а) сув ҳисоблаш қурилмасидаги тамгалар, айланмиш чизини жўмраги, гидрантлар ва бошқа сув узатиш мосламаларидаги қисмларнинг унинг ҳудудида ва тасарруфида бўлган тамгаларнинг ҳисоблаш қурилмаларининг бутунлиги ва сақланиши учун;

б) сув тармоқларига ўз бошимча улашиб олиш, совуқ сувни ҳисобга олиш қурилмаларининг касдан бузилишига йўл қўйиш ҳамда сув ҳисоблаш қурилмаларидаги кўрсаткичларни ташқаридан аралашган ҳолда ўзгартириш ҳолатлари учун;

в) қонунчиликда ўрнатилган бошқа ҳолларда.

г) ўзбошимчалик билан қурилган илшооатлар сабабидан тармоқлардаги авариялар бўлган ҳолатларда;

д) коммунал дренаж тизми мавжуд бўлса "Истеъмолчи" ҳудудида жойлашган оқова тармоғига ёмғир ва эриган қор сувларнинг тушишига йўл қўймаслик. Ушбу қоидабузарлик аниқланганда "Таъминоччи" ҳодими ўрнатилган тартибда далолатнома тузади ва ушбу далолатнома "Истеъмолчи"нинг масъулияти ва жавобгарлиги чорасини белгилаш учун асос бўлиб хизмат қилади.

4.3 "Таъминоччи" қуйидаги ҳолларда жавобгардир:

а) амалдаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг талабларига мувофиқ, узатилаётган сувнинг сифати ва қонунчиликда ва шартнома шартларида кўзда тутилган бошқа ҳолларда;

б) "Истеъмолчи"ларга сув таъминотига улашиб ва сув чиқариш хизматларида фойдаланиш учун зарур бўлган техник шартларнинг ўз вақтида ва ишончли тақдим қилиниши учун;

в) "Истеъмолчи"нинг ҳаёти, саломатлиги ва мол-мулкига етказилган зарар, маънавий зарар учун қонунчиликда ўрнатилган тартиб ва миқдорда, қоплаш;

г) шартнома шартлари ва юқлатилган мажбуриятларни бажармаслик;

д) қонунчиликда ўрнатилган бошқа ҳолларда.

V. Сув таъминоти ва сув чиқариш хизматлари учун ҳисоблар ва тўловларнинг тартиби

5.1. Коммунал сув таъминоти тизимидан чиқариш (қабул қилинган) сувнинг ҳисоби ҳисоблаш қурилмаси мавжуд бўли анда, ҳисоблаш қурилмасининг кўрсаткичларига мувофиқ, амалдаги тарифлар буйича ҚҚСни ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади.

5.2. Оқова тизимига келиб тушувчи оқова сувининг миқдори, шаҳар сув тармоғидан етказиб бериладиган сув миқдорида тенг. Марказлашган ҳолда иссиқ сув таъминоти мавжуд бўлган ҳолларда, истеъмол қилинувчи совуқ сув миқдорида 2.0 коэффициентни қўлланилади. "Истеъмолчи"нинг ўзида сув таъминотининг қурилмалари мавжуд бўлса, оқова сувларининг миқдори ушбу сув қурилмаларининг махсуддорлигига (ёки ўрнатилган ва рўйхатга олинган ҳисоблаш қурилмаларининг кўрсаткичларига) қўпайтирилади. Ички сув таъминоти тизими "Истеъмолчи"нинг шахсий автоном манбаси билан боғлиқ бўлмаслиги лозим.

VI. Алоҳида шартлар

6.1. . Объект эгаси ўзгарганда истеъмолчи чиқиб кетишидан 7 кун аввал дебиторлик қарзларини узиб, бу ҳақда Таъминоччи билан далолатнома имзолаши шарт. Истеъмолчи чиқиб кетгач, сувни ҳисобга олиш асбоби, пломбаларнинг бутлиги ва қопланмаган дебитор қарздорлик учун жавобгарлик объектнинг янги эгаси зиммасига оқолади.

6.2. "Истеъмолчи"нинг сув узатиш-оқова хўжалигидаги барча ўзгаришлар таъминоччи томонидан "Истеъмолчи"нинг хати келиб тушган кундан бошлаб ҳисобга олинади.

6.3. Етказиб берилган ёки қабул қилинган ичимлик суви ҳажми қувурнинг ўтказиш қобилиятидан келиб чиқиб ойнинг календар кунлари ҳисобидан қуйидаги формула асосида ҳисобланади:

$$Q = M \times F \times \sqrt{2g \times H} \times t$$

бунда: М – 0.60га тенг бўлган зулфин орқали сув сарфи коэффициентига;

F – сулоқлик оқиб ўтадиган қувур ёки тешик кесими майдонига (яъни диаметри буйича) m^2 ;

g – 9,81 м/сек га тенг бўлган эркин тушиш тезлиги;

H – сувнинг метрлардаги босими;

t – вақт- 24 соат, секундларда;

Қуйидаги ҳолатларда:

6.3.1. "Истеъмолчи"да сув ўлчаш асбоби ва мосламалари йўқ бўлган ҳолатларда (ёки носоз ҳолатда);

6.3.2. Сув ўлчаш асбоби ёки мосламаси "Таъминоччи"да рўйхатдан ўтмаган тақдирда;

6.3.3. Ичимлик суви билан ўзбошимчалик билан фойдаланиб, сув сепилганда, автомашиналар ювилганда;

6.3.4. Сув ўлчаш асбоби, мосламаси ишдан чиққан, синган, бузилган ҳолатда, сарфланган сув ҳажми ушбу шартнома 6 қисмининг 6.3 бандида кўрсатилганига мувофиқ, энг сўнгги тузилган далолатнома муддатидан янги сув ўлчаш асбоби ўрнатилиб, (рўйхатдан ўтказилган) кун ача ҳисобланади;

Сувни ҳисобга олиш асбоби истеъмолчининг айбисиз носоз бўлган тақдирда сарфланган сув миқдори олдинги уч ҳисоб-китоб ойдаги ўртача сарф буйича аниқланади. Ҳисоб-китобнинг бундай тартиби бир ойдан кўп қўлланилиши мумкин эмас. Агар сувни ҳисобга олиш асбоби кўрсатилган муддат мобайнида ўрнатилмаса, сарфланган сув миқдори II гуруҳ истеъмолчилари учун ушбу Қоиданинг 87-«б» банди буйича ҳисоб-китоб қилинади;

6.3.5. "Истеъмолчи"нинг ичимлик суви ва канализация тизими коммуникацияларидан сув исроф бўлиши ҳолатлари аниқланган ҳолатларда;

6.3.6. "Таъминоччи"нинг сув ўлчаш бўғинини диаметри кичикроқ бўлган мосламага алиштириш тўғрисидаги талабномаси қондирилмаган, бажарилмаган ҳолатларда;

6.3.7. Сув ўлчаш асбобининг ҳисоб-киتابини олиб бориш бўғинидаги қўйилган химоя қопламга руҳсатсиз тегилиш натижасида, ичимлик сув соф сарфини аниқлаш имконияти чегараланганда;

6.4. Ичимлик суви ва оқова сув коммунал тизимларига (жумладан ёнғиндан сақланиш гидрантлари ва хонадон қувурларига) ўзбошимчалик билан улашиб олинган ва фойдаланилган ҳолатлар аниқланганда, "Таъминоччи" томонидан далолатнома тузилади ва шу тузилган далолатнома ўзбошимчалик билан улашиб олган шахсининг жавобгарлиги даражасини аниқлаш ва "Таъминоччи"га етказилган зарарни ҳисоблаш учун асос бўлиб хизмат қилади. Бунда:

-тўлов муддати, энг сўнгги тузилган далолатнома санасидан ўзбошимчалик билан улашиб олинган кун санасигача ёки янги сув ўлчаш асбоби ўрнатилиб, рўйхатдан ўтказилган кунгача, ёки ўзбошимчалик билан улашиб олиш ташланган кунга қадар ҳисобга олинади.

-Ўзбошимчалик билан улашиб олисанган санадан бу ҳақда маълум бўлган санагача, агар "Таъминотчи" баланслаги тармоқларга улашиб содир этилган бўлса, бу муддат даъво аризаси ёзилган муддатдан ошмаслиги зарур. Агар ўзбошимчалик билан уланган санани топши, аниқлаш мумкин бўлмаса, бу муддат даъво муддатига тенг деб олинади;

6.5 Техник шартлар 2 йил муддатга берилади. Белгиланган муддат тутагач буюртмачи (объектни лойхаланштириш ва қуришни бошлаш учун) лойиха муддатини чўздариши ёки янги техник шартларни олиши зарур.

Техник шартлари мавжуд бўлмаган ҳолда ёки муддати ўтган ҳолда, "Таъминотчи" томонидан сув узатиш хизматларини яқунлашга асос бўлади.

6.6. "Истеъмолчи" коммунал сув таъминоти ва оқова сувни чиқариб юбориш тармоқларига улашиб санаси ҳақидаги ҳужжатларни тақдим этмаган ҳолатларда "Таъминотчи" томонидан, ҳоким қарори ва кадастр ҳужжатлари ва шу қабилар асосида, ҳужжат билан тасдиқланган улашиб санаси бўйича ҳисоб-китоб қилишга ҳақлидир.

6.7. Ишлаб чиқариш ичимлик суви ва қабул қилган оқова сув учун тўловлар, "Таъминотчи" томонидан тақдим этиладиган тўлов талабномалари асосида уларга хизмат қилувчи банклар орқали амалга оширилади. Бу тўловлар "Истеъмолчи" томонидан 3 кунлик муддат ичида акцептсиз тартибда амалга оширилади. Тўловлар ўз вақтида амалга оширилмаган тақдирда, "Таъминотчи" кечиктирилган тўловнинг ҳар бир куни учун 0.4% пеня ёзади ва унинг умумий қиймати асосий тўловнинг 50%дан ошмаслиги лозим.

6.8. "Истеъмолчи" ҳисоб рақами бўлмаган тақдирда, тўловлар банк бўлимларининг кирим кассаси орқали, ҳисобот даврилиан кейинги 10 кун муддат ичида тўланади.

6.9. «Таъминотчи» тўловнинг ҳар бир даври учун, аввалги ой тўловининг 100% миқдоридан олдиндан тўловлар (предоплата)ни белгилайди ва бу тўлов кейинги ой ҳисобига қўпилади. Агар "Истеъмолчи" икки ҳафта муддат ичида тўловни амалга оширмаса, "Таъминотчи" ҳеч қандай оғохлантиришларсиз ичимлик сувини етказиб беришни ва оқова сувларни чиқариб юборишни қарз ундирмагунга қадар тўхташиб қўйиш ҳуқуқига эга. Бундай ҳолатларда ёнгиндан сакланиш ва санитария ҳолатлари учун жавобгарлик тўлиқ "Истеъмолчи" зиммасига юклатилади. Сув таъминоти ва оқова сув чиқариш тизимидан илгари узиб қўйилган ҳолатларда қайта улашда II гуруҳ истеъмолчиларидан энг кам ойлик иш ҳақининг 10 (ўн) баробари миқдорда тўлов қайта улашни амалга оширган ташкилот ҳисобига маблағларни ўтказиш орқали ундирилади;

Канализация тизимига руҳсат этилмаган ёмғир ва эркин қор сувлари оқизилаётган ишлаб чиқариш оқова сувларини "Истеъмолчи" лар томонидан ташлаш тартиби Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 3 февраль кунда қабул қилинган 11 сонли қарори билан тасдиқланган "Ишлаб чиқариш оқова сувларини қабул қилиш қоидалари" ҳамда ифлослан гирувчи моддаларнинг Ўзбекистон Республикаси шаҳарлари ва бошқа аҳоли пунктларининг коммунал канализация тармоқларига нормативдан ортқича оқизилганлиги учун "Истеъмолчи"ларга белгиланган тарифга нисбатан 3 (уч) баробар ортирилувчи коэффициент миқдор тартибда ҳисобланади.

6.10. Ҳисоб-китобнинг нотўғри қилини аниқли (тарифларнинг нотўғри ҳисобига олини аниқли ва шу каби ҳолатлар) тўғрисида "Истеъмолчи" га ёзиладиган эътирознома тўлов ҳужжати олингандан кейин 5 кун муддатда "Таъминотчи"га тақдим этилиши керак. Эътирознома "Истеъмолчи"ни тўлов ҳужжатида кўрсатилган суммани тўлиқ ва белгиланган муддатда тўлашдан озод қилмайди.

VII. Низоларни ҳал этиш тартиби

7.1. Тарафлар ўрласида шартнома юзасидан келиб чиққан низолар, келишув йўли билан ҳал қилинади. Агарда икки томонлама келишувга эришилмаса, низолар Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги а мувофиқ Тошкент шаҳар туманлараро иқтисодий судида кўриб чиқилади.

7.2. Ушбу шартномада белгиланган ҳолатлар юзасидан низо келиб чиққан тақдирда, Қонунчиликда белгиланган тартибда ҳал қилинади.

VIII. Форс – мажор

8.1. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ҳодисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч (форс мажор) ҳолатлари (зилила, сув тошқини, ёнгин, сел, дўл, жала ва бошқа табиий офатлар) натижасида келиб чиқса ва агар бу ҳолатлар музқур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай бажармаслик учун жавобгарлиқдан озод этиладилар.

Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари амал қилган, шунингдек ушбу ҳолатлар юзага келтирган вақтга муносив равишда узайтирилади.

8.2. Форс-мажор ҳолати мавжуд бўлган томон 3 кун ичида бошқа томонни форс-мажор ҳолати бошланган муддатларни кўрсатган ҳолда ёзма равишда оғохлантириши лозим.

8.3. Агар форс-мажор ҳолатининг шартнома шартларини бажаришга уч ойдан кўн муддат тўскинлик қилса, томонлардан бири шартномани бекор қилиш ҳуқуқига эга.

IX. Шартноманинг амал қилиш муддати

9.1 Ушбу шартнома икки нусхада тузишган бўлиб, икки тарафда бир нусхадан сакланади.

9.2 Шартнома газначилик бўлимларида рўйхатга олиниган кундан бошлаб кучга киради ва 2022 йилининг 31 декабригача амал қилади.

«ТАЪМИНОТЧИ»

«Тошкент шаҳар Сув таъминоти» МЧЖ
Тошкент 100060, Фидокор 2



Раҳбар
М.Ў.

« » 2022 й.

Ушбу шартнома Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси ва "Ҳужалик қонун"нинг шартномавий-ҳуқуқий асоси тўғрисида"ги Қонун талабларига мувофиқ тузишган.

Ҳуқуқшунос

Мақаров Б

« » 2022 й.

Handwritten signature and date.

ЎЗБЕК «ИСТЕЪМОЛЧИ» ШИ ТАЪМИНОТЧИЛИГИ
100126, Тошкент шаҳри, Зулфияхоним кўчаси, 4-уй
Tel.: (+99871) 241-72-01, 241-72-03, faks: (+99871) 244-50-55

Маълумот: h/r: 100010860262777045901279001

Тел. Sh. h/r: 401010860262777045901279001

Ғаз/х-р STIR: 306 142 966 IFUT: 84111

Банк О'zbekiston Respublikasi Moliya vazirligi

Банк коди az h/r: 2340100300100001010

ХХТМ Markaziy bank Toshkent sh. bosh boshqarmasi

Шахсий рақат Bank kod: 00014 STIR: 201 122 914

Шахсий х-р

Банк

Банк коди

СТИР

« » 2022 й.



Юридик хулоса:



ГРАФИК ПЛАТЕЖЕЙ*
к договору (контракту) от 10.01.2022 г. № 231528

между ООО "TOSHKENT SHAHAR SUV TAMINOTI" и Ўз.Рес. Транспорт вазирлиги на общую сумму 1013977,80

Глава 279
Казначейский лицевой счёт 100010860262777045901279001

(в сумах)

Наименование месяцев 2022 г.	Виды расходов** (соответствующий код бюджетной классификации)			Всего
	4224000			
Январь	337 992,60			337 992,60
Февраль	337 992,60			337 992,60
Март	337 992,60			337 992,60
Апрель				
Май				
Июнь				
Июль				
Август				
Сентябрь				
Октябрь				
Ноябрь				
Декабрь				
Всего за год	1 013 977,80			1 013 977,80

Всего 1013977,80 сум

Один миллион тринадцать тысяч девятьсот семьдесят семь сум
80 тийин
сумма прописью

Из вышеуказанной суммы _____ сум или _____% *** от общей суммы договора подлежат предоплате в _____ мес. 20__ г.

(*) — Бюджетные организации, получатели бюджетных средств и получатели средств ДЦФ, предоставляют в казначейские органы в 2 -х экземплярах;

(**) — Указывается раздел, глава, параграф и статья расхода;

(***) — Месячный _____% , от указанной выше суммы который необходимо оплатить до _____ числа текущего месяца (Данное поле заполняется со стороны бюджетных организаций, получателей бюджетных средств и получателей средств ДЦФ в случае осуществления предоплаты в соответствии с порядком, установленным законодательством по договорам за оказании коммунальных услуг, услуг связи и предоставления в регулярном порядке товара (работ, услуг) указанных в правовых документах.)

Руководитель заказчика



М.П.

Б.Файзуллаев

(подпись)

Б.Файзуллаев

Ф.И.О.

Главный бухгалтер заказчика

(подпись)

Хамроев Б. Р.

Ф.И.О.

Принял работник казначейского подразделения _____

(подпись)

Получил работник заказчика _____

(подпись)

«__» _____ 20__ г.

«__» _____ 20__ г.